

## А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2025 йил 24 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди ўз биносига, очиқ суд мажлисида, судья А.Турғуновнинг раислигида, судья ёрдамчиси У.Ўйлошевнинг котиблигида, Олмазор тумани прокурорининг ёрдамчиси У.Жураев ва Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими инспектори С.Хақимовнинг иштирокида,

Махмудов Иззат Ишок ўғли, 2003 йил 30 январь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Мустақиллик МФЙ, Бешқўрғон 2-даҳаси, 4-уй, 85-хонадонда яшовчига нисбатан

Олмазор тумани ИИО ФМБ бошлиғининг жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини 1-3-1008-2503/1066-сонли йиғма жилд материаллари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2024 йил 24 октябрдаги ҳукмига кўра, Махмудов Иззат Ишок ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбдор деб топилиб, унга мазкур модда билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2025 йил 14 январь ажримига кўра, маҳкум Махмудов Иззат Ишок ўғлининг ўталмай қолган 1 йил 5 ой 8 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси ЖКнинг 74-моддасига асосан, шу муддатга иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Тақдимномада, маҳкум И.Махмудов Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлимига 2025 йил 7 февраль куни ҳисобга қўйилиб, унга жазо ўташ қоидалари тушунтирилганлигини, 2025 йил 10 март куни жазони ўташ учун “SMIRMAKR” МЧЖга ишга жойлашиб, буйруқдан кўчирма тақдим қилганлигини, мазкур марказда ҳозирга қадар ишлаб келаётганлигини, жазони 6 ой 12 кунини ўтаганлигини, ўталмаган жазо муддати 10 ой 26 кунни ташкил қилишини, ҳозирда у жазонинг учдан бир қисмини ўтаганлигини инobatга олиб, И.Махмудовни жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш сўралган.

Суд мажлисида маҳкум И.Махмудов, у содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, ҳозирда тайинланган жазони учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганлигини билдириб, суддан уни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд мажлисида Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими инспектори С.Хақимов, ҳақиқатдан ҳам маҳкум И.Махмудов туман ИИО ФМБ Пробация бўлими ҳисобида туришини, ҳозирда у тайинланган ахлоқ тузатиш



ишлари жазосини учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаб бўлганлигини билдириб, уни ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Иш ҳужжатларига кўра, И.Махмудовга нисбатан унинг иш жойи, яъни “SMIRMAKR” МЧЖ томонидан ижобий тавсифнома берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкинлиги, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу жазо учун ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш маҳкум унча оғир бўлмаган жинойти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, туман прокурори ёрдамчисининг киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўраб берган хулосасини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, И.Махмудов унча оғир бўлмаган жинойт учун тайинланган жазони учдан бир қисмини ўтаб бўлганлигини инобатга олиб, киритилган тақдимномани қаноатлантиришни ва маҳкум И.Махмудовни суд ажрими чиқарилган кунга нисбатан ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 536, 541, 542-моддаларига амал қилиб, суд

## **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Олмазор тумани ИИО ФМБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Махмудов Иззат Ишок ўғли жинойт ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2025 йил 14 январдаги ажрими билан алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган қисми, яъни 10 ой 24 кундан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинсин.

И.Махмудовга жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жинойт содир этган тақдирда унга нисбатан суд ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

**Раислик қилувчи судья**

**(имзо)**

**А.Турғунов**

**Аслига тўғри:**

